

**ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИНИ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА  
ЎРИТИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ  
(мустамлака даврида Фарғона вилояти мисолида)**

**Мирзаев А.**

*Мазкур мақолада, колониал даврда Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона вилоятида пахтачиликни ривожланиши тарихининг айрим масалалари, архив ҳужжатларини манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этган ҳолда, баён этилган.*

***Калит сўзлар:** мустамлака даври; канцелярия; архив; фонд; суғориш тизими; пахта даласи; қўриқ ерлар; верст; десятина; пуд.*

*В данной статье, путем анализа архивных документов с источниковедческой точки зрения, изложены некоторые вопросы истории развития хлопководства в колониальный период в Ферганской области Туркестанского края.*

***Ключевые слова:** колониальный период; канцелярия; архив; фонд; оросительная система; хлопковое поле; целинные земли; вёрст; десятина; пуд.*

*In this article, by analyzing archival documents from a source-study point of view, some issues of the history of the development of cotton growing in the Turkestan region, in particular in the Ferghana region in the colonial period, are set out.*

***Key words:** colonial; office; archive; fund; irrigation system; cotton field; virgin lands; verst; tithe; pood.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Ватанимиз ва халқимизнинг бетакрор тарихи ҳақида, «Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади. Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, оғир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз»[1.5], - деб таъкидлаган.

Туркистон истило қилинган дастлабки вақтдан бошлаб чор Россияси ўлкани бойлик орттириш манбаи деб билди. Метрополиянинг иқтисодий сиёсати Россия саноатини мунтазам хом ашё билан таъминлаб туриш мақсадида пахтачилик, қишлоқ хўжалигининг саноатбоп маҳсулот берадиган соҳаларини ривожлантириш, ер ислоҳоти ўтказиш йўли билан натурал хўжалик ривожланиш имкониятларини чеклаш, саноат маҳсулотларини сотиш учун кенг бозорлар яратиш, маҳаллий хунармандчиликнинг тўқимачилик саноат маҳсулотлари билан рақобат қиладиган соҳаларини тугатиш мақсадларини кўзлади. Бу сиёсатдан Россия тўқимачилик саноатининг корчалонлари, дворян – помещиклари, рус буржуазияси манфаатдор эди. Шунинг учун чор маъмурияти ўлкада пахтачилик саноатини ривожлантириш учун маблағларини аямади[2.276].

Пахта яккахокимлигини ўрнатиш мақсадида Туркистондан Россияга юбориладиган пахтадан бутунлай бож олинмайдиган бўлди. 1879 йилдан эса бож йиғими ҳар бир пуд пахтадан 40-50 тийин миқдорида белгиланди. Солиқ олишда ҳам пахтакорларга айрим имтиёзлар берилди. Молия вазирлиги рус буржуазиясининг Туркистон пахтачилигини ривожлантиришдаги ҳаракатларини фаол қувватлаб турди [3.298].

Маълумки, архив ҳужжатларига асосланадиган ҳар қандай тарихий тадқиқот, библиографик маълумотлар ёрдамида мавзуга оид адабиётларни ўрганишдан бошланади. Адабиётларни ўрганиш жараёнида тадқиқотчи архив манбалардан келтирилган иловаларга эътибор қаратади. Таъкидлаш жоизки, Туркистон ўлкасида, хусусан Фарғона водийсида мустамлака даврида пахтачиликнинг ривожланиши тарихи атоқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев томонидан батафсил ўрганилган[4].

Мустақиллик туфайли республикамиз, халқимиз тарихига қизиқиш кескин ортди[5.56]. Шу боис ҳам Фарғона водийси бўйича мустамлака даври тарихий мавзуларни ёритиш учун зарур ҳужжатлар ва материаллар, далиллар ва мисоллар архивлардан, даврий матбуот ҳамда эълон қилинган манбалардан олинди.

Тарихчи Б.Эргашев томонидан мустақил Ўзбекистоннинг манбашунослик фанида илк марта Россия империясининг Туркистон ўлкасидаги колониал сиёсатини бошқарув тизимида ўзига хос ўрин тутган Туркистон генерал–губернаторлиги канцеляриясининг иш юритиш фаолиятига оид архив хужжатлари тарихий-манбашунослик нуқтаи назаридан батафсил таҳлил этилган[6].

Мустамлакачилик даврида тарихий манбаларнинг хили ва тури кўпайди. Туркистонда фаолият кўрсата бошлаган мустамлакачилик маъмуриятининг барча бўғинларида хилма-хил иш юритиш хужжатлари яратила бошланди. Қонун чиқариш актлари билан бирга бу хужжатлар муҳим тарихий манбалар қаторига киради[7.116].

Хужжатли материалларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиб чиқиш жараёнида давлат муассасаларини, биринчи навбатда юқори ва марказий идораларнинг тарихига мурожаат қилиш зарурати юзага келади. Бу ҳолат эса хужжатларда топилмаган, ҳукумат доираларида у ёки бу масалани ёхуд қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши жараёнидаги маълумотлар билан тўлдириш учун зарур бўлади. Тадқиқотчи ўзининг мавзусига боғлиқ ҳолда давлат муассасасининг тарихи билан бевосита қизиқиши мумкин[8.69].

Муаллиф ушбу мақолани тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги 1-фондда сақланаётган Туркистон генерал–губернатори канцелярияси фаолиятига тегишли айрим хужжатли манбалар асосида, Фарғона вилоятида колониал даврда пахтачиликнинг ривожланиши тарихини айрим жиҳатларини таҳлил этишга ҳаракат қилди.

Маълумки, Туркистон, жумладан Фарғона қишлоқ хўжалиги барча тармоқлари ривожланиши сунъий суғориш ишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, пахтанинг серҳосил бўлиши, пахта майдонини кенгайтириш, кўриқ ерлар ўзлаштириш ва бу ерларни янги пахта майдонига айлантириш ишлари янги суғориш базаларини вужудга келтиришни талаб қилади[9.22].

1893 йилда Туркистонда савдо – саноат ишларини юритиш учун мавжуд шароитлар билан танишгани Тошкентга келган Ўрта Осиё темир йўл экспедициясининг бошлиғи М. Фёдоров, Туркистон генерал – губернатори А. Б. Корольков номига 1893 йил 16 – октябрда юборган № 6475 сонли хатида, ўлкадаги асосий иқтисодий вазифа – пахтачилик соҳасини ривожлантиришда ирригация тизимини тутган ўрни ва пахта экинни майдонларини кенгайтиришнинг имконияти масалаларига ўлка маъмурияти раҳбарларини муносабати хусусида маълумот тақдим этишликни сўраган.

Ушбу хат бўйича, Туркистон генерал – губернатори канцелярияси ирригация қисмининг алоҳида топшириқлар бўйича амалдори И. Петров томонидан тайёрланган маъруза, 1893 йил 19-ноябрда № 62 рақами билан қайд этилган бўлиб, унда барча суғориладиган ерлардан аҳоли қишлоқ хўжалиги экинлари, асосан пахта етиштириш учун фойдаланиши туфайли жорий йилда ҳатто асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган буғдойни етишмаслиги сезилгани маълум қилинган. Келгусида бошқа экин турларига зиён келтирмаган ҳолда пахтачиликни кенг кўламда ривожлантириш учун ўлкада кўшимча, янги суғориш тизимларини яратиш ҳисобига пахта майдонлари ҳажминини кўпайтириш зарурлиги таъкидланади. Бу ишда аввало, Сирдарё оқиб ўтадиган ҳудудлардаги пахта етиштириладиган минтақада яна қанча ўзлаштирилиши лозим бўлган ерлар мавжудлиги масаласига аниқлик киритиш кераклиги билдирилган.

Мавжуд пахта майдонларини суғорилишида Сирдарё областининг Тошкент уездида жойлашган Зах ариқ тизими амалда ўзини тўла оқлаётгани мисол қилиб кўрсатилган. Суғориладиган ерларнинг ҳажминини яна 20 фоизга ёки 100.000 десятинага кўпайтириш ҳисобига келгусида ўлкада фақат пахта майдонларининг ҳажми 400.000 десятинани ташкил этиши баён этилган.

Ўлкадаги ҳудудларни чегараларини белгилаш бўйича собиқ комиссиянинг 1881 йилдаги маълумотларига кўра Фарғона областида 219.011 десятина, Тошкент уездида эса 42.480 десятина кўриқ, яъни партов ер майдонлари бўлган.

Фарғона областида келгусида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ўзлаштирилиши кўзда тутилган ер майдонлари ҳақида сўз юритилиб, Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган Балиқчи волостининг Мингбулок қишлоғидан то Махрам қишлоғига қадар бўлган, узунлиги 150 верст ва эни 7 верст масофада жойлашган, майдони 1050 кв. верстни ташкил этган бу текис ер майдони пахтачилик учун сўзсиз равишда қулай эканлиги, суғориш ариқлари ўтказилганидан сўнг пахта экини майдонларини ҳажми 60.000 минг десятинага етиши, ҳар десятинани суғориш учун сарфланадиган ҳаражат 30 рублдан, жами 1.800.000 рубл талаб этилиши таъкидланади.

Шунингдек хатда, келгусида пахтачиликни ривожлантириш мақсадида, суғорилиши кўзда тутилган, давлатга қарашли бўш ерларининг энг катта майдони Самарқанд вилоятининг чегараларидаги Мирзачўлда (Голодная Степь) жойлашган эди. Шундай қилиб, Фарғона вилоятида 100.000 десятина ва Мирзачўлда 400.000 десятина қўшимча ер майдонларини суғорилиши, ўлкада пахтачиликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билдирилган [10.1-5].

Америкадан келтирилган янги навнинг бозор нархи бирмунча оширилди. Пахтакор районларга арзонлаштирилган ғалла келтириш, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун сув чиқариш каби тадбирлар кўрилди [11.13].

Пахтачиликнинг ривожланишида чор ҳукуматининг 1878 йилдан бошлаб чет мамлакатлардан олинадиган пахтага бож солиши муҳим ўрин эгаллаган. Ўзбек пахтасидан эса бож олинмаган [12.145].

Энди эса, Фарғона областида америка навли пахта экиладиган ер майдонларидан олинадиган ер солиғини ошириш бўйича Фарғона вилояти ҳарбий губернатори томонидан кўтарилган ва юқори ҳамда марказий бошқарув органлари миқёсида муҳокама қилинган масаласини архив ҳужжатлари асосида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Россия империяси Молия вазирлигининг Солиқлардан олинадиган даромадлар департаментининг II бўлимида 1904 йил 26 августда № 8794

рақами билан қайд этилиб, Туркистон генерал – губернатори номига Тошкентга жўнатилган хатда юқоридаги масала баён этилган бўлиб, Туркистон генерал– губернатори канцеляриясида, кириш ҳужжатлари журналида, 1904 йил 7 сентябрда № 8614 рақами билан рўйхатга олинган. Умуман олганда, муҳим тарихий манба ҳисобланган губернаторларнинг ҳисоботлари, тадқиқот мавзусини маълум масаласи билан чегараланиб, маълум бир минтақалар тарихини ўрганишда, зарур аҳамиятга эга бўлади[13.74].

Хатнинг мазмунига кўра, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг 1903 йилдаги ҳолат бўйича Россия императорига тақдим этган ҳисоботида, америка навли пахта экинни етиштириладиган ерлардан олинадиган давлат ер солиғини миқдорини ошириш зарурлиги тўғрисидаги таклифи, император Александр III нинг эътиборини тортган. Ҳарбий губернаторнинг фикрича, Фарғона вилоятида пахтачилик соҳаси ривожланишда юқори даражага етган, шунинг учун ушбу соҳага берилган имтиёزلарни бекор қилишни тавсия қилган. Чунки ўлкадаги амалдаги қонунларга кўра, пахта экилган ер майдонларидан олинадиган солиқ, уларнинг даромад келтиришига кўра умумий даромаднинг 10 фоизи эмас, балки бўғдой, арпа ва шу каби экинлар билан банд ерлар билан бир хил тарзда, яъни 1,9 фоиз миқдорида олинган. Ҳарбий губернаторнинг мулоҳазаси бўйича, агарда вилоятдаги пахта экиладиган ер майдонларидан ялпи даромаднинг 10 фоизи миқдорида солиқ ундириладиган бўлса, Фарғона вилояти бўйича давлат фойдасига ундириладиган ер солиғи амалдаги 500 минг рублдан то 5 миллион рублгача кўпайиши мумкин эди.

Фарғона ҳарбий губернатори томонидан кўтарилган ушбу масала ўрганилиб куйидаги малумотлар келтирилган: 1879 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасида америка навли пахтани экиш бўйича тажрибалар ўтказилган ва дастлабки йилларда ўлкадаги пахтачилик соҳаси ҳеч қандай имтиёزلарга эга бўлмаган. Мамлакатда пахта етиштириш масаласига эътибор қаратган император Александр III, 1890 йилда собиқ Молия вазири, махфий

маслаҳатчи Вышнеградскийнинг Туркистон ўлкасига сафари чоғида, унга ўлкадаги пахтачиликнинг ривожланиши хусусида диққат билан яқиндан танишиши тўғрисида топшириқ беради. Гарчи, империяга чет эл пахтаси импортдан божхона солиғи ҳар йили 8 миллион рубл миқдорида даромад келтирган бўлсада, асосий мақсад, мамлакатдаги тўқимачилик фабрикаларини чет эл пахтасига бўлган қарамликдан озод этиш бўлган.

Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга айрим ўзгартиришлар киритиш бўйича 1900 йил 10 июнда қабул қилинган қонунда ҳам пахта плантацияларига нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш масаласи кўтарилган бўлса, 1891 йил 11 июлдаги қонунда эса пахтачилик тармоғи учун яратилаётган енгиллик-имтиёзлар вақтинчалик чора-тадбирлар бўлмасдан, балки мазкур соҳани барқарор ривожланганига қадар мунтазам давом этиши таъкидланади.

Дехқончилик Департаментининг расмий маълумотларига кўра, Туркистон ўлкасининг 3 та вилоятидаги умумий ер майдонлари 3. 134. 691 десятинали ташкил этиб, 1902 – 1903 йиллар мобайнида жами 186. 800 десятинага пахта экилган. Ҳолбуки, маълумотларда келтирилишича, айтиб ўтилган вилоятларда суғориш учун яроқли ҳисобланган, пахтачиликни ривожланишида муҳим ўрин тутиши мумкин бўлган, яна қўшимча 748. 500 десятина ер майдони мавжуд эди.

Мамлакатдаги тўқимачилик фабрикалари ва пахта тозалаш заводлари томонидан истеъмол қилинадиган пахтанинг миқдори йилига 17 миллион пудга етиб борган, чет элдан ташиб келтириладиган тола эса ўртача 10 миллион пудга етиб борган, бу эса ички бозорда зарур бўлган пахтани деярли 3/5 қисмини ташкил этган.

Дехқончилик Департаментининг пахта хусусида юқорида келтирган маълумотномаларидан кўриниб турибдики, шу вақтга қадар зарарқунандалар ва касалликлар пахтага бирор бир жиддий зиён келтирмаган, бу эса америка навли пахта экини майдонларини кенгайтириш учун қулай шароит мавжудлигини англатади.

Туркистонда пахта етиштириш майдонларини кенгайиши шунинг учун ҳам мақсадга мувофиқ бўладики, Оренбург – Тошкент темир йўли қурилишини яқунланиши билан Россиянинг ички губернияларидан Туркистонга арзон бўғдой маҳсулотини ташиб келтириш имконияти юзага келади, натижада ўлкадаги бўғдой экиладиган майдонларда ҳам пахта етиштирилиши йўлга қўйилади. Молия Вазирлиги, статс - секретарь В. Коковцевнинг юқорида келтирилган мулоҳазаларини инобатга олиб, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг таклифларини амалга оширишни ҳали мавриди эмаслиги ва даргумонлиги хусусида хулосага келинган.

Шунингдек, Деҳқончилик ва Давлат Мулклари Вазирлиги ўзининг 1904 йил 18 сентябрдаги № 707 сонли жавоб хати ва Туркистон генерал-губернатори ўзининг 1904 йил 4 декабрдаги № 11222 сонли алоқа хати орқали, кўриб чиқилаётган масала бўйича Молия Вазирлигининг фикрига тўла қўшилишган[14.1-10,13-20].

Мазкур фонд материалларида пахта зараркунандаларига қарши кураш тўғрисидаги маълумотлар ҳам учрайди. Туркистон генерал-губернатори канцелярияси бошқарувчиси, 1905 йил 13-сентябрда Туркистон ўлкаси Деҳқончилик ва Давлат мулклари бошқармасининг қишлоқ хўжалик ишлари бўйича мутахассиси, агроном С. В. Понятовский номига жўнатган № 8847 сонли хатда, Ярославл Катта Мануфактурасининг вакили Курилов томонидан тақдим этилган ғўза кўсақлари намуналарини текшириб, ўрганиб чиқиб ўлка генерал-губернаторига маълумот беришлик сўралган. С. В. Понятовский томонидан 1905 йил 24-сентябрда юборилган № 206 рақамли жавоб хати, Туркистон генерал-губернатори канцеляриясида 1905 йил 27-сентябрда кириш журналида № 9546 рақами билан қайд этилган. Хатнинг мазмунига кўра, агроном С.В. Понятовский ғўза зараркунандасини аниқлаш ва унга қарши кураш чораларини белгилаш учун Санкт-Петербургдаги Марказий фитопатология станцияси мудири, миколог(микробиолог) А.А.Ячевскийга ва Тифлислик мутахассис Спешневга маҳаллий ғўза навларини зарарланган намуналарини текшириш учун жўнатган. Тегишли жавоб олинган эса, С. В.



Понятовский томонидан Канцелярияга 1905 йил 4-ноябрда юборилган № 229 рақамли хат, у жойда 1905 йил 5-ноябрда кириш журналида № 10787 рақами билан қайд этилган. Мазкур маълумотномага кўра, тақдим этилган ғўза кўсақларини текширилганда, уларда *Colletotrichum gossypii* паразит замбуруғи келтириб чиқарадиган антракноз касаллиги аниқланган. Ушбу ғўза касаллигига қарши кураш чораларидан бири, чигитларни икки соат мобайнида фермалин билан (бир томчи фермалинга 300 томчи сувни араштириб, эритма тайёрлаб) дезинфекция қилишдан иборат бўлган. Шунингдек, Ячевский А.А. томонидан тузилган ва 1903 йилда Санкт-Петербургда В. Киршбаум типографиясида чоп этилган “Болезни и повреждения хлопчатника” деб номланган рисоланинг 2 нусхаси маълумотномага илова қилинган. Бундан ташқари, С.В. Понятовский мазкур рисоланинг ғўза касаллигига тааллуқли бўлган 16-17 бетларини ўзбек тилига таржима қилиш, литография усулида бўлса ҳам босиб чиқариш ҳамда маълумотларни аҳоли ўртасида тарқатишни тақлиф этган. Канцелярия хузуридаги типографиянинг мудури томонидан 1905 йил 12-ноябрда берилган маълумотномага кўра, араб имлосидаги эски ўзбек тилидаги “Ғўза кўсаги касалликлари” рисоласини, иккита расм билан, 1000 та нусхада нашр этиш 35 рубл, 2000 та нусхаси учун эса 45 рубл миқдорда нарх белгиланган[15.1-7об,33-33об].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Туркистон генерал-губернатори канцелярияси фонди хужжатлари асосида, Фарғона вилоятида мустамлака даврида пахтачилик соҳасида ирригация иншоотларининг муайян даражада такомиллаштирилиши, пахта майдонларининг кенгайтирилиши, пахта зараркундаларига қарши кураш каби масалалар манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилди.

#### Адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т.: 2005. – 534 б.
3. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2011. – 552 б.

4. Зиёев Ҳ. Ўзбекистон пахтачилиги тарихидан. – Т.: Фан, 1980. – 48 б; Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида(ХІХ аср иккинчи ярми – ХХ аср бошлари). – Т.: «Шарқ», 2006. – 352 б.
5. Алимов И.А. Архившунослик. Ўқув кўлланма. – Т.: «Тафаккур бўстони», 2015. – 192 б.
6. Эргашев Б.Э. Делопроизводственная деятельность канцелярии Туркестанского генерал – губернаторства(историко-источниковедческий анализ). – Т.: Фан, 2015. – 224 с.
7. Хошимов С.А, Расулов Б.М, Хакимов А.А. Манбашунослик (Ўқув кўлланма). – Т.: 2014. – 144 б.
8. Горфейн Г.М., Шепелев Л.Е. Архивоведение. Учебное пособие. - Л.: издательство ЛГУ, 1971. – 81 с.
9. Шарафиддинов А. Фарғона вилояти тарихидан лавҳалар (ХІХ аср охири – ХХ аср бошлари). 1 китоб. Фарғона, 2013. – 76 б.
10. ЎЗР МДА. Фонд И – 1, 11 – рўйхат, 979 – иш.
11. Пахтачилик. Дарслик. – Т.: «Меҳнат», 1990. – 352 б.
12. Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси (Тарихнинг долзарб масалалари). – Т.: Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, 2000. – 288 б.
13. Шепелев Л.Е. Работа исследователя с архивными документами. – М.: «Наука», 1966. – 128 с.
14. ЎЗР МДА, Фонд И– 1, 12 – рўйхат, 621 – иш.
15. ЎЗР МДА. Фонд И– 1, 12 – рўйхат, 251 – иш.